



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХХТ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРОСИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда бўлиб турган ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ДИИХБ ўртасидаги конструктив мулоқот ва самарали шериклиқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик ривожига кейинги йилларда жиддий олдинга силжишга эришилганини мамнуният билан қайд этди. Бюронинг кенг қўламли миссияси илк бор мамлакатимиздаги Президент ва парламент сайловлари кузатишда иштирок этди.

ДИИХБнинг тавсияларини имплементация қилишда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини қабул қилиш ва такомиллаштириш доирасида муваффақиятли ҳамкорлик олиб боришга таъкидланди.

Бюро экспертлари Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга жалб этилган эди.



Ўзбекистон ДИИХБ билан, энг аввало, инсон ҳуқуқлари, сўздин ва эътиқод эркинлиги, гендер тенглик, ёшларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий базасини илгор халқаро амалиёт асосида мустаҳкамлаш борасида узоқ муддатли ва самарали шериклиқни давом эттиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган муҳим тадбирларга тайёргарлик қўриш бўйича биргаликда ишлаш мақсадида май ойида Бюронинг баҳолаш миссияси юртимизга келади.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи самимий қабул ҳамда очиқ ва мазмунли суҳбат учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Директор мамлакатимиздаги барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган кенг қўламли ислохотларни қатъий қўллаб-қувватлаб, Бюро уларни муваффақиятли амалга оширишга, ҳар томонлама қўмаклашишга тайёр эканини билдирди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари Тожикистон — Қирғизистон чегарасидаги вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти юзага келган вазиятни тез фурсатда ҳал қилиш ва унинг кескинлашувига йўл қўймаслик бўйича Тожикистон ва Қирғизистон томонлари эришган келишувларни қўллаб-қувватлади.

Мавжуд барча масалалар дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатлари руҳида, фақат музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилиниши муҳим экани таъкидланди.

ЎЗА

Тожикистонга бўлажак олий даражадаги ташрифга тайёргарликнинг бориши ҳам қўриб чиқилди. Мамлакатларимиз бош вазирилари ўтган ҳафта Хўжанд шаҳрида ўтказган амалий учрашувнинг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кенг қўламли ҳамкорликнинг янги “ўсиш нуқталари”ни биргаликда аниқлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ ВА ҚОРҲОНАЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 апрель куни ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қурилиш материаллари, уй жиҳозлари, маиший хўжалик моллари, кийим-кечак ва озиқ-овқат аҳоли энг кўп харид қиладиган товарлардан. Уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш осон ва арзон. Қолаверса, бу йўналиш қишлоқларга саноат кириб бориши, одамлар иш билан таъминланишида ҳам муҳим омил.

Масалан, сўнгги уч йилда мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 бараварга ошган. Лекин маҳсулотлар ҳажми ва турлари ҳали ички эҳтиёжни тўлиқ қоплаётгани йўқ. Умуман, ўтган йили қарийб 1 миллиард долларлик қурилиш материаллари импорт қилинган.

Юртимизда қўллаб-ўй-жайлар, завод ва қорхоналар, ижтимоий объектлар қуришмоқда. Булар ҳам қурилиш материаллари, турдош маҳаллий саноат маҳсулотларига талабни оширади.

Шу боис, йиғилишда маҳаллий саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

— Қўриб турибсизлар, бутун дунёда иқтисодиёт бўйича вазият оғир. Ҳеч кимга осон бўлаётгани йўқ. Шунинг учун бор имкониятдан фойдаланиб, пешона теримиз билан толган пулимизни халқимизга ҳалол етказиб, натижага эришишимиз керак. Маҳаллий саноатни ривожлантириш ҳокимларнинг қўлидаги масала. Ақл билан, пухта иш тутса, бунинг замирида жуда кўп ишчи жойи, тадбиркорларнинг манфаатдорлиги, одамларнинг розилиги бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ишларни “ички талабни ўрганиш — импортни таҳлил қилиш — ресурс базасини аниқлаш — янги лойиҳалар ишлаб чиқиш” занжири асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига маҳаллий саноатнинг ҳар бир

йўналиши, хусусан, қурилиш материаллари, тўқимачилик, ипақчилик, фармацевтика, электротехника, чарм-пойабзал, заргарлик, чинни буюмлари, мебелсозлик, озиқ-овқат саноати каби тармоқлар бўйича ҳудудлар кесимида алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 24 та туманни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш тақлифини қўллаб-қувватлади. Бу ҳудудлардаги мавжуд ҳомаёв ва йирик заводлар инфратузилмасидан фойдаланиб, уларга яқин жойда янги қорхоналар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Мазкур 24 та туманда инфратузилмани яхшилаш учун бюджетдан қўшимча 400 миллиард сўм, геология ишларини амалга оширишга 100 миллиард сўм маблағ ажратилдиган бўлди.

Қурилиш материаллари тармоғида умуллий қиймати 5 миллиард долларлик мингдан

зиёд янги лойиҳалар шакллантирилган. Бу орқали 25 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

“Узсаноатқурилишбанк” томонидан ушбу соҳадаги лойиҳалар учун 300 миллион долларлик кредит лийниси очиш, банк филиалларидаги консалтинг марказлари орқали тадбиркорларга амалий ёрдам бериш тақлифи билдирилган. Президентимиз бунга қўшимча, мазкур банк орқали давлат томонидан 200 миллион доллар ажратиш бўйича кўрсатма берди.

Янги турдаги қурилиш ва пардозлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларига 15 миллиард сўмгача кафилик берилиши таъкидланди. Шунингдек, бундай қорхоналарга миллий валютадаги кредитлар бўйича Марказий банк ставкасидан 10 фоизгача ортиқ қисми ва хорижий кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 50 фоизи қўллаб берилади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбатда минтақавий ҳамкорлик ва икки томонлама кун тартибдаги долзарб масалалар қўриб чиқилди.

Президентлар Қирғизистон — Тожикистон чегарасида юзага келган вазиятни тез фурсатда ҳал қилишни муҳокама қилдилар. Қирғизистон ва Тожикистон томонлари вазиятни барқарорлаштириш ва унинг янада кескинлашшига йўл қўймасликка қаратилган келишувларга эришгани мамнуният билан қайд этилди.

Юзага келаётган барча баҳоли масалалар кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва

шериклик руҳидаги мулоқот асосида ҳал қилиниши зарур экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтган саммит якунида қабул қилинган қўшма қарор ва келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш ва устувор лойиҳаларни илгари суриш мақсадида фаол алмашинувларни давом эттириш ва ҳамкорлиқни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ҚОРҲОНАЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемияси шароитида фуқаро авиацияси қорхоналарини қўллаб-қувватлаш, соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш, авиация хизматларини янада диверсификация қилиш, аҳолига уларнинг нарх ва сифат жиҳатидан оммабоплигини таъминлаш мақсадида:

1. 2021-2022 йилларда “Uzbekistan Airways” АЖ ва “Uzbekistan Airports” АЖда трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича “йўл хариталари” 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, халқаро аэропортларининг ижро этувчи органи ваколатларини, истисно тариқасида, шартнома

асосида “Uzbekistan Airports” АЖга бериш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой муддатда “Uzbekistan Airports” АЖ ва халқаро аэропортларнинг ижро этувчи органлари ўртасида халқаро аэропортларни ҳақ эвазига бошқариш тўғрисидаги шартномаларнинг тузилишини ва ички ҳужжатларга зарур ўзгаришлар киритилишини таъминласин. Бунда бошқарувчининг қуйидаги асосий вазифалари назарда тутилсин:

аэропортларни ривожлантириш ягона стратегияси ва корпоратив сиёсатини амалга ошириш, аэропортлар фаолиятига методологик раҳбарлик қилиш;

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ амалии санъатининг зардўзлик ва заргарлик аъёналарини ривожлантириш, уларнинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишларда ўзаро тажриба алмашиш орқали халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий аъёналар ва ҳунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда минтақанинг туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда май ойида Бухоро шаҳрида Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали (кейинги ўринларда — Фестиваль) ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, тақдимот ва кўргазмалар, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилсин. Бунда:

2022 йилда Фестиваль 21-25 май кунлари ва унинг доирасида “Аъёнаний зардўзлик ва заргарлик санъатини

ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилади;

Фестивалга уйғун ҳолда Тошкент шаҳрида хорижий мамлакатларнинг заргарлик тармоғи вакиллари, хорижий инвесторлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда “Uzbek Jewellery Fair” заргарлик саноатининг замонавий асбоб-ускуналари, технологиялари ва буюмларининг йиллик халқаро кўргазма-савдоси ўтказилади.

2. Қуйидагилар Фестивалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

миллий ҳунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик соҳасида фаолият юритаётган ва соҳа ривожига улкан ҳисса қўшаётган тажрибали, истеъдодли ҳунармандларни аниқлаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш, унинг ноёб ва йўқолиб бораётган намуналарини сақлаш, қайта тиклаш;

▶ Давоми 2-бетда

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ ВА КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Бундан ташқари, қишлоқ жойла-
ридаги саноат зоналари ҳамда кон-
лар ва карьерлар учун ер солиги 10
бараваргача камайтирилади. 500 та
норуда қазилмалар кони аукцион ор-
қали сотилиб, уларнинг негизда са-
ноат корхоналари ташкил этилади.

Шундай имкониятлардан фой-
даланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини
ошириш, янги лойиҳалар эвазига
маҳсулот турларини кўпайтириб,
импорт ўрнини тўлдириш мумкинли-
ги қайд этилди.

Бу борада энг самарали йўл —
туман ё шаҳарга кириб келаётган
импорт таркибини таҳлил қилиб, шу
маҳсулотларни ҳудуднинг ўзида иш-
лаб чиқаришдир.

Масалан, сўнгги икки йилда 6
мингга яқин қўп қаватли уйлар қу-
рилган бўлиб, уларга ишлатилган
материаллар 30 фоизгача четдан
келтирилган. Жорий йилда қурили-
ши режалаштирилган 100 мингга
яқин хонадоннинг ҳар бирига ками-
да 20-30 миллион сўмлик электр
техникаси, мебель, ошхона буюмла-
ри ва бошқа ҳўжалик моллари керак.

Шундан келиб чиқиб, мутасадди-
ларга бозор талабини таҳлил қилиш
асосида, иқтисодий самарадорлиги
бор бўлган товарларни маҳаллий-
лаштириш, бундай лойиҳаларни
ҳудудлардаги саноат зоналарига
оқилона жойлаштириш бўйича топ-
шириқлар берилди.

Қурилиш материаллари тармоғи-
да бўлганидек, бошқа саноат маҳсу-
лотлари бўйича ҳам иқтисослашган
туманларни белгилаб олиш, янги
лоиҳахаларни амалга ошириш зарур-
лиги таъкидланди.

Маҳаллий саноатни ривожлан-
тиришда саноат кооперацияси ҳам
жуда муҳим. Хусусан, ўтган ҳафтада
Навобий шаҳрида ўтказилган саноат
ярмаркасида жами 376 миллиард
сўмлик мингга яқин шартномалар
тузилган.

ЎЗА

Бошланиши 1-бетда

ҳудудларда зардўзлик ва заргарликни
жадал ривожлантириш, илғор тажриба-
ларни оммалаштириш, ёшларга ўргатиш,
янги иш ўринлари яратиш;

зардўзлик ва заргарлик намуналарини
миллий бренд сифатида халқаро миқёсга
олиб чиқиш, халқимизнинг миллий мада-
нияти анъаналарини намойиш этиш орқа-
ли сайёҳларни жалб қилиш, Фестивални
жаҳон миқёсида кенг танитиш ва тарғи-
бот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

зардўзлик ва заргарлик намуналарининг
кенг тақдими, ҳар бир ҳудуднинг
тарихи, ҳаёт тарзи, ҳунармандчилик
мактаби анъаналарини акс эттирувчи ҳу-
нармандлар шаҳарчалари макетлари, уй-
рўзор буюмлари, ҳунарманд-дизайнер-
лар яратган маҳсулотлар кўргазмаларини
ўтказиш;

халқ сайиллари, фольклор ва дорбоз-
лик жамоалари, аскиячи ва қизқичлар-
нинг театрлашган томошалари, санъат
вакилларининг концерт дастурларини
ҳамда уста-ҳунармандлар томонидан ма-
ҳорат дарслари, расомлар хийбони, экс-
курсия маршрутларини ташкил этиш.

3. **Халқаро зардўзлик ва заргарлик
фестивалига тайёргарлик қўриш ва
уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита**
(кейинги ўринларда — Ташкилий кўмита)
таркиби иловлага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмитага (А.Н.Арипов):
Фестивални юқори ва бадий савияда
ўтказиш, белгиланган вазифаларни ўз
вақтида ва сифатли бажариш, бу борада
масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар
фаолиятини мувофиқлаштириш;
Фестиваль совриндорларига топшири-
ладиган диплом ва сертификатлар наму-
наларини тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш
билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал
этиш вазифалари юклансин.

4. Белгилансинки, Фестивалга тайёр-
гарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғ-
лиқ харажатлар Ташкилий кўмита томо-
нидан ишлаб чиқиладиган ва белгиланган
тартибда тасдиқланадиган смета асосида
қўйидаги тартибда:

Фестивалга тайёргарлик қўриш билан
боғлиқ барча харажатлар Бухоро вилояти
маҳаллий бюджетининг қўшимча манба-
лари, юридик ва жисмоний шахсларнинг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик
ҳужжатлари билан таъиқланмаган бошқа
манбалар ҳисобидан;

Фестивални ўтказиш билан боғлиқ
харажатларнинг 50 фоизи — Вазирлар
Маҳкамасининг захира жамғармаси
маблағлари ҳисобидан, 50 фоизи — Бу-
хоро вилояти маҳаллий бюджетининг
қўшимча манбалари, юридик ва жисмо-
ний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари
ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан та-
қиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан
қопланади.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги
(Б.К.Зарипов) Туризм ва спорт вазирли-
ги (А.А.Абдуҳакимов), Савдо-саноат
палатаси (А.И.Икрамов), “Ўзбекзаргарса-
ноати” уюшмаси (Д.Н.Саматов), “Хунар-
манд” уюшмаси (У.Т.Абдуллаев) билан
биргаликда уч ой муддатда **Фестивални
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми**
ҳамда **2022 йилда уни ўтказиш бўйи-
ча “йўл харитаси”**ни ишлаб чиқсин ва
тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига
киритсин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Ками-
лов):

хорижий давлатлардан зардўзлик ва
заргарлик фаолияти билан шуғулланувчи
ташкилотлар, маҳоратли ҳунармандлар,
амалий санъат усталари, соҳа олимлари
ҳамда мутахассислари, фаҳрий меҳмон-
ларни Фестивалга таклиф этишда ташки-
лотчиларга амалий ёрдам кўрсатсин;

Савдо-саноат палатаси, “Хунаманд”
уюшмаси ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюш-
масининг виза талабномаларига биноан
Фестивалнинг хорижий иштирокчилари
учун кириш визалари консуллик йиғим-
лари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини
қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирил-
масдан расмийлаштирилишини таъмин-
ласин.

7. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбе-
ков) Савдо-саноат палатаси (А.И.Икра-
мов), “Хунаманд” уюшмаси (У.Т.Абдул-
лаев), “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси
(Д.Н.Саматов) ва Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси (С.С.Самдов) билан биргаликда
Фестивалнинг тантанали очилиш маро-
симини ҳар томонлама пухта ва бадий
жиҳатдан бетақор усулда тайёрлаш
учун юсак профессионал маҳорат ва
тажрибага эга бўлган сценарийнавис ва
режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, ҳунар-
мандлар, сахналаштирувчи расомлар,

истеъдодли санъаткорларнинг кенг жалб
этилишини таъминласин.

8. Бухоро вилояти ҳокимлиги (Б.К.За-
рипов):

а) Бухоро шаҳрида кенг кўламли обо-
донлаштириш ва кўкаламзорлаштириш
ишлари амалга оширилишини, Фести-
валь ўтказиладиган сахна майдонлари
ҳамда жойларнинг талаб даражасида
тайёрланишини;

б) Савдо-саноат палатаси, “Хунар-
манд” уюшмаси, “Ўзбекзаргарсаноати”
уюшмаси, Туризм ва спорт вазирлиги,
Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар ва-
зирлиги, Кинематография агентлиги ва
Ўзбекистон Бадий академияси билан
биргаликда:

Фестиваль доирасида Бухоро шаҳ-
ридаги “Лаби ҳовуз” ансамбли майдо-
нидан “Арк” кўрғони ҳудудиғача бўлган
ён-атрофда зардўзлик ва заргарлик
санъатига оид турли кўргазмалар, ҳу-
нармандчилик буюмлари, тасвирий
ва амалий санъат асарлари, қадимий
зардўзлик ҳамда заргарлик дастохлари
ва маҳсулотларини яратиш жараёнла-
ри, ҳунармандчиликка оид бадий, ҳуж-
жатли фильмлар, китоблар, альбомлар,
фотосуратлар намойиши, уларнинг со-
туви ташкил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқилиши-
ни ва унинг уч ой аввал туристик ташки-
лотларга тақдим этилишини, Интернет ва
иқтимоий тармоқларда жойлаштирили-
шини;

Фестиваль доирасида миллий либос-
лар кўргазмали чиқишлари, театрлашти-
рилган томошалар, аския ва қизқичлар,
фольклор ва дорбозлик жамоаларининг
томоша дастурлари намойиш этилишини;
Фестивалнинг туризм календарь ре-
жасига киритилишини ҳамда хорижий
меҳмонлар ва сайёҳларнинг Фестивалга
жалб қилинишини;

в) Туризм ва спорт вазирлиги, Сав-
до-саноат палатаси билан биргаликда
Фестиваль қатнашчилари ва меҳмон-
лар учун меҳмонхоналардан жой аж-
ратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 29 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ КОРХОНАЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

молиявий оқимларни жамлаш, пул маблағла-
ридан самарали фойдаланиш, таннархни пасаи-
тириш ва соф фойдани тасарруф этиш ҳамда
харидларни марказлаштирилган ҳолда амалга
ошириш;

халқаро аэропортларнинг ишлаб чиқариш ва ҳў-
жалик фаолиятини амалга ошириш тартибини (ва-
колатлар чегараларини) “Uzbekistan Airports” АЖ
томонидан белгилаш.

3. Белгилансинки, “Uzbekistan Airports” АЖ ва
унинг таркибидаги халқаро аэропортлар **2021 йил 1
майдан 3 йил муддатга** юридик шахслардан оли-
надиган ер солиги ва мол-мулк солигининг белги-
ланган ставкаси **50 фоизгача камайтирилади**.

4. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ва Давлат ак-
тивларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) **уч
ой муддатда** “Uzbekistan Airports” АЖ таркибидаги
халқаро аэропортлар билан давлат мулки ҳисоб-
ланган аэродромлар инфратузилмасидан бегараз
фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузсин. Бун-
да шартномаларда аэродром инфратузилмасини
саклаш, капитал ва жорий таъмирлаш шартлари
назарда тутилсин.

Тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган мол-мулк
аэропорт активларидан ажратилган ҳолда, балан-
сдан ташқари акс эттирилиши ҳамда мол-мулк ва ер
солиқлари бўйича солиқ базасига киритилмаслиги,
шунингдек, амортизация ажратмалари ҳисоблан-
маслиги маълумот учун қабул қилинсин.

Аэропортларнинг аэродром комплексларини
қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция иш-
лари Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширили-
ши, шунингдек, Молия вазирлиги билан келишил-
ган ҳолда, ушбу ишларга сарфланган “Uzbekistan
Airports” АЖнинг маблағлари Давлат бюджети ҳи-
собидан компенсация қилиниши белгилансин.

5. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **бир ой му-
датда** “Uzbekistan Airways” АЖга ажратилган **40
миллион АҚШ доллари** микдоридаги фоизсиз
бюджет сусдаси маблағларининг 2022 йил 10 май-
дан бошлаб қайтарилишини кўзда тутган ҳолда,
уни қайтариш муддатини **2024 йил 10 февралга
қадар** узайтирсин.

6. “Ўзмиллийбанк” АЖ (А.К.Мирсоатов), Тикла-
ниш ва тараққиёт жамғармаси (Ш.А.Вафаев) **бир
ой муддатда** “Uzbekistan Airways” АЖнинг мос
равишда **895 миллиард сўм ва 77,73 миллион
АҚШ доллари**га тенг бўлган кредитларни қоплаш
графикларини, 2021-2023 йил учун қарздорлик

(ассосий қарз ва фоиэ) тўловларини тўхтатган ҳол-
да, қайта қўриб чиқсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) қарорнинг маз-
кур банди талабларидан келиб чиқиб, “Uzbekistan
Airways” АЖ томонидан кредит мажбуриятларининг
бажарилиши юзасидан Тикланиш ва тараққиёт
жамғармаси ва “Ўзмиллийбанк” АЖга берилган
давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин.

7. “Uzbekistan Airways” АЖ (И.Р. Махкамов)
3-иловага мувофиқ ҳаво кемаларини ўрнатилган
тартибда **очиқ савдолар орқали** соҳада бевосита
фаолият юритаётган корхоналарга сотиш чорала-
рини кўрсин.

8. Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вази-
рлиги ва Миллий гвардиянинг аэровокзал, темир
йўл ва автобус вокзалларида (кейинги ўринларда —
вокзаллар) йўловчи ҳамда ташриф бую-
рувчилар учун замонавий талаблар асосида
кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан
яхшилаш, кириб-чиқишни соддалаштириш, зарур
шароитлар яратиш ҳамда вокзаллар ва уларга
тегишли ҳудудда тадбиркорликни ривожланти-
риш мақсадида, қўйидаги таклифларига розилик
берилсин:

вокзаллар биноларига ташриф буюрувчилар-
нинг хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда
кириб-чиқишларига рұхсат бериш;

вокзаллар ва уларга тегишли ҳудудларда умумий
овқатланиш жойларини ташкил этиш, чакана
савдо ҳамда хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил
этишга рұхсат бериш тартибини соддалаштириш;

халқаро аэропортлар ҳудудида барча турдаги
йўловчи автотранспорт воситаларига аэропортлар-
нинг эстакадасидан фойдаланишга рұхсат бериш;
вокзалларнинг асосий текширув пунктларини
кириш жойларидаги бирламчи назорат-текширув
постлари билан бирлаштириш.

Давлат хавфсизлик хизмати (А.А.Азизов), Ички
ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Миллий гвар-
дия (Р.М. Джуроев), Транспорт вазирлиги (И.Р. Мах-
камов):

уч ой муддатда мутасадди идоралар вакилла-
ридан иборат тартибда Республика комиссиясини
тузган ҳолда, вокзаллар бинолари ва уларга те-
гишли ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш тар-
тибларини илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб
ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳжа-
масига киритсин;

вокзаллар бинолари ва уларга тегишли ҳудуд-
ларда хавфсизликни таъминлашнинг замонавий
техник назорат воситалари (транспорт ва шахсий

аниқлаш воситалари) ва усуллари билан тўлиқ таъ-
минлаб бориш чораларини кўрсин.

Давлат хавфсизлик хизмати (А.А.Азизов), Ички
ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов), Давлат божхона
қўмитаси (М.Б.Азимов) Молия вазирлиги (Т.А.Иш-
метов) билан биргаликда халқаро аэропортларда
реконструкция қилиш ҳисобига авиация хавфсиз-
лиқ хизмати, чегара, божхона ва бошқа қўриқла-
нувчи ҳудудлардаги ўзгаришларни инобатга олиб,
талаб этиладиган штат бирикларига ўрнатилган
тартибда тегишли ўзгартаришлар киритиб борсин.

9. “Uzbekistan Airways” АЖ (И.Р.Махкамов) Дав-
лат божхона қўмитаси (М.Б.Азимов) ва манфаат-
дор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда **уч
ой муддатда** Тошкент шаҳри, Сергели тумани,
Учувчилар шаҳарчасида жойлашган “Uzbekistan
Airways Technics” МЧЖ ҳудудида (майдони 39 га)
эркин божхона зонасини ташкил этсин.

Белгилаб қўйилсинки, эркин божхона зонасида:
халқаро ҳуқуқий ва техник меъёрларга мувофиқ
барча хорижий ҳаво кемалари ва уларнинг алоҳида
агрегатларини таъмирлаш учун зарур бўлган авиа-
техника эҳтиёт қисмлари эркин алмаштирилади;

маҳаллий авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларини
ҳамда уларнинг қисм ва агрегатларини таъмирлаш-
га зарур бўлган авиатехника эҳтиёт қисмлари эркин
божхона зонаси чегарасидан чиқмаган ҳолда харид
қилиниб, “эркин муомалага чиқариш” божхона режи-
мига расмийлаштирилган ҳолда фойдаланилади;

ушбу божхона зонасига четдан келтириладиган
авиатехника эҳтиёт қисмлари “эркин божхона зо-
наси” божхона режимида расмийлаштириш орқали
жойлаштирилади ҳамда истисно тариқасида, сер-
тификатлар ва рұхсат этиш хусусиятига эга ҳужжат-
лар талаб этилмайди;

таъмирлаш мақсадида эркин божхона зонасига
олиб кириладиган ҳаво кемаларининг (шу жумладан,
уларнинг қисм ва агрегатлари) кириб-чиқишида бож-
хона назорати уларни тегишли божхона режими-
ларига расмийлаштирмаган ҳолда амалга оширилади.

Транспорт вазирлиги (И.Р.Махкамов), Давлат
божхона қўмитаси (М.Б.Азимов), Давлат солиқ қў-
митаси (Ш.Д.Кудбиев), Марказий банк (М.Б.Нурму-
ратов) билан биргаликда **уч ой муддатда** эркин
божхона зонаси ҳудудида товарларни олиб кириш,
олиб чиқиш, ҳаво кемаларини таъмирлашда фой-
даланиш, уларни тегишли режимларга расмийлаш-
тириш, ушбу товарлар ва хизматлар учун валюта
операцияларини амалга ошириш тартиби тўғриси-
даги низомини тасдиқлаш учун белгиланган тартиб-
да Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Транспорт вазирлигининг Франция Фуқаро
авиацияси миллий мактаби (ENAC) билан бирга-
ликда Тошкент давлат транспорт университети тар-
кибида Фуқаро авиацияси учувчиларини тайёрлаш
мактабини (кейинги ўринларда — Мактаб) ташкил
этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Мактабда таълим фаолияти 2021/2022 ўқув йи-
лидан бошланади ҳамда дастлаб қўшма таълим
дастурлари (double degree) асосида “Ҳаво кемала-
рининг парвоз эксплуатацияси” бакалавр таълим йў-
налиши бўйича кадрлар тайёрлаш ташкил этилади;

Мактабда талабалар ўқиши учун тўлов-контракт
микдори Франциянинг Фуқаро авиацияси миллий
мактаби билан келишилган ҳолда Тошкент давлат
транспорт университети томонидан белгиланади;

Мактаб битирувчиларига Франциянинг Фуқаро
авиацияси миллий мактабининг белгиланган на-
мунадаги дипломи берилади ва у Ўзбекистон Ре-
спубликасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат
сифатида эътироф этилади.

11. “Uzbekistan Airports” АЖ ва унинг таркибига
кирувчи аэропортлар:

ўз эҳтиёжлари учун махсус технология ускуна-
лар, махсус транспорт ва ахборот-коммуникация
маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги **импорт
контрактларини** “Давлат харидлари тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, “Лойи-
ҳалар ва импорт контрактларини комплекс эксперти-
за қилиш маркази” ДУҚда **комплекс экспертизадан
ўтказган** ҳамда контракт тузилганлиги тўғрисидаги
**ахборотни махсус ахборот порталига жойлаш-
тирган** ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг **энг яхши
таклифларини танлаб олиш** йўли билан тўғридан-
тўғри тузишга;

фуқаро авиацияси объектларида иш тажриба-
сига эга бўлган маҳаллий ва хорижий лойиҳа таш-
килотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар ту-
зишга рұхсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
“Uzbekistan Airports” АЖ таркибидаги халқаро
аэропортлар ва “Узээронавигация маркази” ДУК
томонидан чет эл авиакомпанияларига хизмат
кўрсатиш (экспорт) билан боғлиқ операциялар-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 30 апрель

г) Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар
вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича
миллий комиссия, “Хунаманд” уюшма-
си, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси билан
биргаликда 2023 йил якунига қадар мала-
кали мутахассис ва халқаро экспертлар-
ни жалб этган ҳолда:

миллий ҳунармандчиликнинг зардўз-
лик ва заргарлик йўналишларини
**ЮНЕСКОнинг номоддий маданий ме-
рос рўйхатига**;

Бухоро шаҳрини **ЮНЕСКОнинг Ижод-
кор шаҳарлар тармоғига** киритиш бўйи-
ча ҳужжатлар тўплами тайёрланиши ва
тавсия этилишини таъминласин.

9. “Uzbekistan Airways” акциядорлик
жамияти (И.Р.Махкамов) ва “Ўзбекистон
темир йўллари” акциядорлик жамиятига
(Х.Н. Хосилов) Фестиваль қатнашчилари-
ни Савдо-саноат палатаси, “Хунаманд”
уюшмаси ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюш-
маси буюртмаларига мувофиқ белгилан-
ган тартибда авиа ва темир йўл чипталар-
и билан таъминлаш тавсия этилсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Ар-
тиқхожиев) Фестивалга ташриф буюрув-
чи хорижий меҳмонлар ва қатнашчилар-
ни кўтиб олиш, жойлаштириш ва уларни
Бухоро шаҳрига юборишни ташкил этсин.

11. Солиқни саклаш вазирлиги
(А.М.Хаджибаев):

Фестиваль ўтказиладиган жойларда
тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил
этсин;

Фестиваль ўтказиладиган вақтда сани-
тария нормалари, қоидалари ва гигиена
нормативларига қатъий риоя қилинишини
назорат қилсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агент-
лиги (А.К.Кучимов), Ўзбекистон Миллий
телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев),
“Дунё” ахборот агентлиги (С.Л.Суárov) ва
бошқа оммавий ахборот воситалари Фе-
стивалга тайёргарлик қўриш ва уни ўтка-
зиш бўйича амалга оширилаётган ишлар-
ни кенг ёритиб боришни ташкил этсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назо-
рат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош
вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

“ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ”



Шухрат СОДИҚОВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир

Бугун барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва уларни ривожлантириш учун янгича йўналиш ва самарали тизимлар, замонавий бошқарув усулларини амалиётга жорий этиш, мураккаб шaroитларда давлат қурилишининг серкирра вазифаларини амалга оширишда тезкорлик, ташаббускорлик билан ёндашишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ижро-интизоми билан ўз фаолиятини юрита олган ҳар бир давлат органи белгиланган ва-зифа ва топшириқларни ўз вақтида самарали амалга оширади. Бугунги кунда давлат орган-ларига келиб тушаётган ҳар бир ҳужжатни рўй-хатга олишдан тўғри, унинг ижро мuddатини белгилашга маъсулият билан ёндашишда ижро интизоми муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир ҳужжатнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди.

Барча соҳалар қатори, ахборот технологияла-ри ва коммуникациялари соҳасида ҳам ҳужжатлар билан ишлашни тўғри ташкил этиш ва ижро инти-зомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ижро интизомини мустаҳкам йўлга қўйиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан элект-рон ҳужжат айланиш тизими ташкил этилган.

Бугунги кунга қадар ижро интизомини муста-ҳкамлаш бўйича бир қатор норматив-ҳуқу-қий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, бошқарув аппаратининг барча бўғинларида таш-килотчилик, ижро ва назорат фаолиятини тако-миллаштириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ҳамда Ҳукумат қарорларининг ўз вақтида амалга оши-рилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавоб-гарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳқа-масининг 1999 йил 12 январда “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармо-йишлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фар-мойишлари ижросини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишнинг асосий қондилари белгиланган бўлиб, мазкур қои-далар ижро интизомининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва на-тижалли ижро этилиши ҳамда ижро интизоми-ни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлати-миз раҳбари томонидан 2017 йил 11 апрелда

ПҚ–2881-сонли алоҳида қарор қабул қилиниб, аини йўналишда янгича ёндашувлар белги-лаб берилди. Шунингдек, мазкур қарор асосида ижро интизоми идоралараро ягона электрон ти-зимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг 2017 йил 9 августда-ги “Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги Ф – 5017-сон фармойиши қабул қилинган.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топши-риқларининг ижроси устидан назорат тизимини та-комиллаштириш, шунингдек, уларнинг бажарили-ши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш учун зарур шарт-шaroитларни яратиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат қарорлари ва ташкилотларида ижро ин-тизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3962-сонли яна бир муҳим қаро-ри қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ Ўзе-кистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат олиб борувчи масъул давлат органи белгиланган бўлибди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 де-кабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси-да қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва монито-ринг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, шунингдек, 2016–2021 йилларда тасдиқланган тармок ва ҳудудий ривожланиш дастурларида белгиланган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, дав-лат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида жо-рий йил 10 февралда давлатимиз раҳбари то-монидан “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгар-лигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида”ги ПФ–6166-сон фармони имзоланди.

Фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ва топ-шириқлар ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинди.

Ҳозирги кунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-лигида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда ва қуйи-даги устувор вазифалар белгиланган олинди:

биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топши-риқлар лойиҳалари тайёрланиши устидан шахсий назоратни ташкил этиш;

иккинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топши-риқлар ижрочиларга тезкор етказилиши, шу жум-ладан, уларда қўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамиятини ахборот технологиялари ва комму-никациялари соҳаси ҳодимлари ўртасида тушу-ни-риш, назорат бандлари ва топшириқларда аниқ механизмлар, мuddатлар ва масъуллар белгила-ниши бўйича “йўл хариталари” (ҳаракат режала-ри) ўз вақтида ишлаб чиқирилиши устидан шахсий назоратни таъминлаш;

учинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топ-шириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, “ljro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратиш; тўртинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топ-шириқлар ўз вақтида, тўлиқ ва натижалли ижро этилиши шахсан таъқиқий таҳлил қилинишини таъминлаш, олдимида қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва мўлжалланган мақсадларга эришиш.

Бундан ташқари, Вазирлик Ҳайъати қарори билан Фармон ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишининг назоратини йўритувчи ишчи гу-руҳ таркибини шакллантириш, қонунчилик ҳуж-жатлари ва топшириқларнинг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорлигини ташкил этиш

тартибини белгилаш, ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йў-налишларини амалга ошириш юзасидан ҳаракат-лар режаси тасдиқланди.

Вазирликка келиб тушаётган қонунчилик ҳуж-жатлари ва топшириқлар ижроси ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича ҳафтанинг душанба куни — вазир ҳузурида ва жума куни — вазир ўрин-босарлари томонидан шахсан масъул ижрочилар билан муҳокама ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Фармон талаблари ҳисобга олинган ҳолда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни ижро этиш ҳолатини комплекс ўрганиш ўтказилди ҳам-да ўрганиш якуни бўйича аниқланган камчилик-ларни бартараф этиш ва муаммолар масалаларни жойида ҳал этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси-нинг масъул ҳодимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.



Таъкидлаш жоизки, вазирлиқнинг назорат тизимида масъул бўлишга томонидан қонунчи-лик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси учун масъул ижрочилар билан мунтазам равишда назорат ўрнатилиб, топшириқларнинг ижро ҳо-лати, ўз вақтида бажарилишида кечикиш хавфи юзга келган муаммолар масалалар, топшириқ ижросини амалга оширишда масъулиятсизлик-ка йўл қўяётган масъул ижрочиларга қонунчи-ликда белгиланган чоралар қўриш юзасидан тақлифлар киритиб боришмоқда.

Ижро интизомини янада мустаҳкамлашда за-монавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ва ижроси текшириш шакл-ларини такомиллаштириш муҳим омил саналади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекис-тон Республикаси Президенти ва Администрация-си, Олий Мажлис палаталари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ҳамда топшириқла-рини ижрога қаратиш, ушбу ҳужжатлар бўйича ўз қарорларини ишлаб чиқиш ва уларни тизимдаги тузилмаларга етказиш ҳамда ижроси устидан на-зорат ўрнатиш бораида бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда.

Вазирлик тизимидаги “UNICON.UZ” давлат унитар қорхонаси томонидан “ljro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ишлаб чиқилиб, 246 та вазирлик, идора, маҳал-лий ижро ҳокимияти органлари, уларнинг 4 минг-дан ортиқ бўлинмалари ушбу тизимга улашини таъминлашда ҳамда 28 мингдан ортиқ ҳодимлар-га мазкур тизим орқали маълумотлар алмашиш имконияти яратилди.

“ljro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали электрон ҳужжат алма-шинуви йўлга қўйилиб, қонунчилик ҳужжатлари ва

топшириқлар ўз вақтида ижро этилишининг назо-рати олиб боришмоқда.

Ҳозирда мазкур тизим юқорида айтиб ўтилган Фармон талаблари асосида такомиллаштирил-моқда.

Вазирлик тизимида иш жараёнларини оптимал-лаштириш мақсадида марказий аппарат ва унинг ҳудудий бошқармаларига “mitc.ljro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими ўрнатилиб, барча ҳодим-лар тизимга тўлиқ уланди ва ҳужжат алмашинуви ушбу тизим орқали амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, вазирлик тизимидаги барча ташкилот-лар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳам мазкур тизимга уланган.

Вазирликка кирим қилинаётган барча ҳужжат-лар фақат электрон почта ва е-хат ҳимояланган почталар орқали қабул қилинмоқда. Қабул қи-лингн ҳужжатлар электрон рўйхатдан ўтказилиб

Вазирликка келиб тушаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақ-тида ва сифатли бажарилиши, ижроси кечик-кан ёки кечикиш эҳтимоли бўлган топшириқлар бўйича ҳафтанинг душанба куни — вазир ҳу-зурида ва жума куни — вазир ўринбосарлари томонидан масъул ижрочилар билан видеокон-ференц алоқа тизими орқали мавжуд муаммо-ли масалалар юзасидан муҳокама қилинаётган бўлиб, тегишли чоралар қўрилмоқда.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ҳафтанинг белгиланган кунлари онлайн шаклда соҳа ҳодимларига етказилади. Шу билан бирга, ҳафталик ўқув соатлари ўтказилиб, натижаи Вазирлик ва унинг тизимидаги қорхона, муассаса ва таш-килотларнинг расмий веб-сайти ҳамда ижти-моий тармоқларига жойлаштирилади.

Биргина, 2021 йилнинг ўтган даври мобай-нида, Вазирлик томонидан ҳар ҳафтанинг жума куни жами 20 марта, Вазирлик тизими-даги 20 га яқин қорхоналар томонидан ҳар ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари 20 мартадан, жами 420 га яқин ҳафталик онлайн ҳуқуқий ўқув соатлари ўтказилди. Натижада соҳа ҳодимларига 23 та Ўзбекистон Респу-бликасининг Қонунлари, 23 та Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг Фармонлари, 84 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, 152 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг мазмун-моҳияти кўргазмали-тақдимот материаллари асосида тушунтириб берилади.

Мазкур ҳуқуқий онлайн ўқув соатларининг ўт-казилиши натижаида Вазирлик олдида қўйилган вазифаларнинг соҳа ҳодимлари томонидан тез-корлик билан ҳал қилишнинг замонавий усуллари йўлга қўйилди.

Ўтган 2020–2021 йиллар давомида соҳага оид норма ижодкорлигини таъминлаш мақ-садида Вазирлар Маҳкамасига жами 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳала-ри тақдим қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармо-ни билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепция-сига асосан, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали ме-ханизмларини жорий этиш топширилган. Шунга қўра, Вазирлик ўзи томонидан қабул қилинган 74 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Вазирлар Маҳкамасининг қарори-дан қуйи бўлмаган ҳужжат сифатида қабул қилиш чораларини қўриб, мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич Қонун даражасига қўтариш ишларини жадаллаштирмоқда.

Ҳар бир топшириқ ва ҳужжатлар ижросининг амалда назорат қилиниши, уларни ўрганиб чи-қиш, масъуллар белгиланишини таъминлаш ижро интизомини янада мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва давлат дастурларининг пи-ровард мақсади аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам жойларда халқ билан мулоқот ўрна-тиш, уларнинг муаммоларини ҳар томонлама ўрганиш асосида қабул қилинаётган ҳар бир Қонун, Фармон ва қарор ижросини қаттиқ на-зоратда олиниши ҳамда уни бажарилиши учун масъулият билан ёндашишимиз даркор. Шу боисдан, АКТ вазирлигига келиб тушаётган барча турдаги мурожаатлар ва бошқа турдаги ҳужжатларни тезкор тарзда қўриб чиқиш ула-рни қонуний ҳал қилиш йўлга қўйилган.

Келгусида Вазирлик томонидан мустаҳкам ижро интизомини жорий қилиш ва топшириқ-ларнинг ўз вақтида бажарилиши учун мунта-зам равишда ишлар олиб борилади ва назо-рат қилинади.

“МЕҲР-5”

ЯНА БИР ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш борасидаги изчил сиёсат самараси ўларок, нафақат юртимизда истиқомат қилаётган, балки ўзга юртларда мураккаб аҳволга тушиб қолган ватандошларимизнинг ҳам манфаати, шаъни, кадр-қиммати инсончи ҳимоя қилиб келинаётир.

Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан Ўзбекистон фуқаролари қарерда бўлмасин конституциявий ҳуқуқлари таъминланмоқда. Аҳамият-лиси, инсонпарварлик ғояси амалда ўз ифодасини топтомоқда.

Дунёнинг нотинч мамлакатларидаги жанговар ҳаракатлар, қуролли тўқна-шувлардан тинч аҳоли, аёллар ва мур-ғак болалар жабр чекмоқда. Афсуски, улар орасида ёлгон ваъдаларга ишо-ниб ватанин тарк этган Ўзбекистон фу-қаролари ҳам бор.

2019 йилда Ўзбекистон ҳукумати биринчилардан бўлиб Ироқ ва Сурия-даги қуролли тўқнашувлар ва жанго-вар ҳаракатлар натижасида жабр кўр-ган ўз фуқароларини, асосан, аёллар ва болаларни ватанига қайтаришни бошлади.

Ўзбекистон Президенти топшири-ғига қўра, аини пайтгача тўрт марта “Меҳр” инсонпарварлик операци-яси ўтказилди. Мазкур инсонпарварлик

операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб, чорасиз қолган 438 нафар аёл ва бола мамлакатимизга олиб келинди.

Ўтган давр мобайнида “оповли нукталар”дан қайтарилган аёллар ва болалар давлат, жамоат ташкилот-лари, меҳр-оқибатли фуқароларимиз ёрдамида жамиятимизда ўз ўрнини топтомоқда.

Ўзга юртда оғир даврни бошидан ўтказган бу инсонларга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, мод-дий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жа-миятга мослашиши, таълим ва иж-тимоий дастурларда иштирок этиши учун зарур шароит яратилиб, бошпа-на ва иш билан таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Давлатимиз томонидан муборак Рамазон ойида яна бир хайрли, улкан аҳамиятга эга “Меҳр-5” инсонпарвар-лик операциеси амалга оширилди.

Президентимиз топшириғига би-ноан, Сурия ҳудудидан 93 нафар ва-тандошимиз, 24 аёл ва 69 бола юр-тимизга қайтарилди. Улар 30 апрель куни махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига олиб келинди. Шунингдек, бугун юртимизга қайтган болалар орасида ҳам отасини, ҳам онасини йўқотган 7 нафар чин етим бола ҳам бор.

Албатта, узок давом этадиган жа-раёндан иборат бу ишларни амалга ошириш осон кечаётгани йўқ. Тегишли ташкилотлар томонидан босқичма-босқич, давомли икки ва кўп томон-лама музокаралар орқали эришилган келишувлардан сўнг қутилган натижа-ларга эришилапти.

Ўзга элларда қийин аҳволга ту-шиб қолган бу инсонлар йиллар давомида ижтимоий ҳимоядан бе-баҳра, ҳатто энг оддий инсоний шароитлардан ҳам маҳрум яшашга мажбур бўлди.



Эндиликда, бу юртдошларимиз дав-латимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик остида барча қулайликлар яратилган соғлом-лаштириш муассасасига жойлаштири-лади. У ерда иссиқ овқат, кийим-кечак

ва бошқа барча зарур шароитлар би-лан таъминланади ҳамда мутахассис-лар томонидан тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади. Соғлом, тинч ҳаётга тўлақонли мослашиши учун за-рур шарт-шaroит яратилади.

— Бугун Президентимизнинг бизга кўрсатган ғамхўрлиги билан олти йил деганда Ватанга қайтиш бахтига муясс-сар бўлдим, — дейди юртимизга олиб келинган аёллардан бири. — Бизга кўрсатилган бундай эътибордан хурс-андимиз. Мен ҳам турмуш ўртоғимнинг гапига кириб, ўша юртларга бориб қолдим. Афсуски, ўғлим ўша ерларда қолиб кетди. Жуда катта хато қилдим, адашдим. Бундай қисматни ҳеч кимга раво кўрмайман. Президентимиздан, юртдошларимдан узр сўрайман.

Бир сўз билан айтганда, ҳозиргача фақат бугуни билан яшаб келган, ҳар кеча жони ҳадиқда, яна тонг отишига ишониб-ишонмай уйкуга ётган 93 на-фар инсон энди эртанги кунга ишонч туйғуси билан, таъбир жоиз бўлса, ян-гидан умр кечира бошлайди.

Ўзбекистоннинг бу каби инсонпар-варликка, меҳр-саховат, оқибат, ке-чиримлилик, барикенглик каби эзгу сифатларга йўғрилган хайрли тадбир-лари ҳали давом этади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАФАККУР КЎЗГУСИ

ДАВЛАТ ТИЛИГА ҲУРМАТНИ ҲАР БИР РАҲБАР ЎЗИДАН БОШЛАШИ КЕРАК

ШУНДА КУТИЛГАН САМАРАГА ЭРИШИЛАДИ



Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 февралда “**Раҳбар кадрлар ва масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражаси аниқлаш ва уларга давлат тилини билиш бўйича даража сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги қарор**ни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимини баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш даражасини аниқлаш ва сертификат бериш тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти бош мутахассиси Рустам ТУРСУНОВ билан маъмур талаб ва у билан боғлиқ жараёнлар хусусида суҳбатлашдик.

— Шу пайтгача айрим ташкилотлар раҳбарларининг ўзбек тилида қийналиб сўзлашишларига гувоҳ бўлиб келдик. Бу қайсидир маънода таъбни хира қиладиган ҳолат. Эндиликда раҳбарларга ҳам ўзбек тилини билиш талаби қўйилмоқда. Мазкур талаб авваллари фақат қоғозда акс этган бўлса, ҳозир бу масалга жиддий киришилди. Бу жаҳон таърибасида янгилик эмас, аслида яқин қўшни давлатларда бундай амалиёт анчадан бери мавжуд. Шундай эмасми?

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз тарихий нутқ ирод этиб, “**Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз керак. Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак**”, дея таъкидлаган эди.

Бас, она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бўлуши эканини эътироф этар эканмиз, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимизга айланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Давлат тест марказининг dt.dtm.uz алоҳида онлайн платформаси ишлаб чиқилди ва талабгорлар у орқали 2021 йил 1 апрелдан рўйхатдан ўтишни бошлади. Бунинг учун Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази томонидан тавсия этилган мутахассислар ҳамда Давлат тест маркази ходимлари биргаликда Тест топшириқлари формати ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқди. У Давлат тест марказининг Илмий-методик кенгашида тасдиқланди.

Бу жаҳон амалиётида қўлланиладиган жараён. Раҳбар кадрлар ва масъул лавозимларга тайин-



Маълумки, мамлакатимизда сўнгги йилларда нафақат давлат тилига эътибор кучайди, балки турли бўғин раҳбарларининг ва масъул лавозимларга тайинланадиган кадрларнинг ўзбек тилини билиш даражасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар бугун авж паллага кирди.

ланадиган шахсларнинг давлат тилини билиши кераклиги Германия, Франция, Россия, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа кўплаб давлатларнинг қонунчилигида белгиланган. Масалан, Россия Федерациясининг давлат хизматига қабул қилиш ва ҳар қандай давлат хизматининг лавозимини эгаллаш учун зарур бўлган билимларни аниқлаш учун ўтказиладиган тест синовларининг йўналишларидан бири рус тилини билиш бўйича тест синови ҳисобланади.

Озарбайжон Республикасида эса Давлат хизматига қабул қилинадиган шахслар бошқа йўналишлар билан бир вақтда давлат тилини билиш бўйича имтиҳондан ўтади. Синов ўтказиладиган барча йўналишлардан икки натижа кўрсатган талабгорларга тегишли тартибда сертификат берилади ва давлат хизматига тавсия этилади.

— Ўзбекистонда бу жараённи амалга ошириш механизмлари қандай омиллар асосида такомиллаштирилди?

— Тест топшириқлари давлат тилида иш юритиш ўқув дастурига кўра, **лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида** шакллантирилмоқда. Топшириқларда талабгорнинг **публицистик, илмий-оммабон ва расмий матнни ўқиб тушуниш** ҳамда **имло қоидаларини тўғри қўллаш** олиш кўникмалари баҳоланади. Айтиш керакки, раҳбар кадрларнинг ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилида расмий иш юрита олиш даражасини аниқлаш тизими одатдагиларидан фарқ қилади. Бунда саволлар “**ёпиқ**” ва “**очиқ**” турларга бўлинган. **Ёпиқ** тест — талабгорга бир неча жавоб вариантлари билан бериладиган топшириқлар. Талабгорга тест синовида ўқиб тушуниш, ёзма адабий меъёрлар, яъни имло қоидалари, сўз ва қўшимчаларни қўллашга оид ҳамда тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринлари юзасидан ёпиқ тестлар берилади. Бунда талабгордан тўғри жавобга эга муқобил жавобли топшириқларни ишлаши талаб этилади. **Очиқ** тестда эса муқобил жавоб вариантлари берилмайди, яъни талабгор томонидан жавоблар варақаси қисқа ёки кенгайтирилган шаклда ёзиб тўлдирилади. Шунингдек, имтиҳон топширувчи **расмий ҳужжати шакллантира олиши** ва бугунги кундаги долзарб ва раҳбарлик фаолиятига оид мавзуларда **ёссе ёза олиши** керак. Бошқача айтганда, давлат тилида фикр баён қилиш кўникмалари ҳам синовдан ўтказилади.

Синов вариантлари ҳозирда **14 та вазирлик ва идораларнинг** масъул лавозимларда фаолият юритувчи раҳбар ходимлари иштирокида Давлат тест марказида апробациядан ўтказилди. Апробация натижаларига кўра, тест вариантнинг ишончлилик коэффициентини **0,818** ни кўрсатди (ишончлилик коэффициентига қўйилган мезонларга асосан натижа 0,8 дан юқори бўлса, тест топшириқларининг ўзаро ички мувофиқлиги яхши даражада деб баҳоланади). Апробация натижалари мутахассислар томонидан таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар берилди. Ҳозирда берилган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, тест топшириқлари такомиллаштирилмоқда.

2021 йил 5 май куни республикаимизнинг барча ҳудудларида рўйхатдан ўтган талабгорлар тест синовларини топширишлари режалаштирилган. Бунда тест синовлари ҳудудлардаги **олий таълим муассасалари аудиторияларида** карантин талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда, Давлат тест марказининг худудий бўлиmlари томонидан ташкиллаштирилади. Тест топшириқлари ҳудудларга Давлат фельдъегерлик хизмати томонидан етказилади.

Тест синовлари Давлат тест маркази томонидан анъанавий шаклда, тўлиқ видеокузатув остида ўтказилади. Жараён тўғридан-тўғри интернет орқали трансляция қилиб борилади. **Келажақда эса тест синовларини компьютерда онлайн тарзда ўтказиш** ҳам кўзда тутилган. Бу борада Давлат тест маркази томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

— Шу ўринда қарорда қайд этилган “**раҳбар кадрлар**” ва “**масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар**” тушунчаларига **изох берсангиз?** Шу билан бирга, мазкур қарор давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида қилдан тортиб, кимгача тааллуқли, яъни бу борада лавозим “**чегараси**”ни қандай очиклайсиз? Умуман, ҳужжатда келтириб ўтилган “**раҳбар кадрлар**” ва “**масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар**” учун тест синовдан ўтиш талаблари бир хилми?

— Жуда ўринли савол бердингиз. Демак, **раҳбар кадрлар** деганда, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, марказлар, инспекциялар ва бошқа давлат бошқаруви органлари **раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарла-**

Ислоҳот

ри тушунилади. **Масъул лавозимга тайинланадиган шахслар** деганда эса ташкилотларнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари ҳамда бошқа бошқарув ходимлари, яъни **бошқарма бошлиқлари, бўлим бошлиқлари ва бош мутахассислар** назарда тутилади.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарориди давлат тилини билиш даражасини аниқлаш лозим бўлган масъул лавозимлар рўйхати кўрсатиб ўтилган. Бунда улар икки тоифага ажратилган:

1. Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқарув органлари бўйича:

— Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, марказлар, инспекциялар ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари, марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари ва бошқа бошқарув ходимлари.

— Давлат бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари ва бошқа бошқарув ходимлари.

— Давлат бошқаруви органларининг тизимидаги бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари ва бошқа бошқарув ходимлари.

2. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бўйича:

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари.

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликлари таркибий бўлинмалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бошқа бошқарув ходимлари.

Мисол сифатида бирор вазирлиқни оладиган



бўлсак, **вазирдан тортиб бош мутахассисгача бўлган барча бошқарув ходимлари** мазкур тест синовларида иштирок этишлари керак бўлади.

Тест синовдан ўтиш талабларига келсак, раҳбар кадрлар ва масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун тест синовдан ўтиш талаблари бир хил.

— Агар талабгор тест синовида етарли балл тўплай олмаса, у қайта имтиҳон топширгунга қадар унинг иш ўрни вақант бўлиб турадими ёки у лавозим вазифасини бажаришга киришаверадими? Ёки дейлик, буйруқ чиқиб лавозимга тайинланган шахс (анъанавий) ва энг юқори Раҳбарият томонидан фавқулодда лавозимга тайинланган шахс учун(ноанъанавий) тастдан ўтиш тартиби нимаси билан фарқ қилади?

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарориди тест синовида етарли балл тўплай олмаган талабгор лавозимдан овоз этилиши ёки у қайта имтиҳон топширгунга қадар унинг иш ўрни вақант бўлиб туриши тўғрисида алоҳида талаб белгиланмаган.

Бироқ талабгорлар тест синовдан ўта олмаса, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида давлат тили бўйича малака оширади ва қайта тест синовларида иштирок этади.

Тест синовларида бир неча бор иштирок этса ҳам ижобий натижага эриша олмаган талабгорлар ҳақидаги маълумотлар Давлат тест маркази томонидан умумлаштирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига юборилади. Юборилган маълумотлар раҳбарият томонидан қўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

— Талабгорлардан тест синовларида иштирок этиш учун нималар талаб этилади? Улар тест санасигача қандай босқичлардан ўтишлари керак?

— Тестдан ўтиш тартибининг ўзига яраша талаблари ишлаб чиқилган. Онлайн рўйхатдан

ўтиш бўйича барча вазирлик ва идораларга йўриқнома тақдим этилган. Талабгорларга қулайлик яратиш мақсадида платформада рўйхатдан ўтиш бўйича йўриқнома ҳамда видеоролик ҳам жойлаштирилган.

Авалло, рўйхатдан ўтиш учун талабгор dt.dtm.uz платформасига кирганда, дастлаб телефон рақамини тасдиқлаш ойнаси чиқади. Талабгор томонидан телефон рақами киритилганда, унинг телефон рақамига тасдиқлаш учун СМС хабар юборилади. Тасдиқлаш ойнасига СМС хабарда юборилган 5 хонали рақам киритилиб, телефон рақами тасдиқланади. Шундан сўнг, тизимга паспорт ёки ID маълумотлари (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, паспорт серияси ва рақами) киритилади. Агар талабгорнинг маълумотлари **Ягона миллий меҳнат тизимида** мавжуд бўлмаса, у ишлайдиган ташкилот томонидан маълумотлар мазкур тизимга киритилиши лозимлиги тўғрисида хабарнома чиқади. Маълумотлар киритилгач, талабгор рўйхатдан ўтишни давом эттириши мумкин бўлади.

Агар талабгорнинг маълумотлари тизимда мавжуд бўлса, тест топшириш ҳудуди танланади. Шундан сўнг, унга шахсий кабинет яратилади ва унинг маълумотлари ҳақиқатан ҳам лавозимга тавсия этилганини текшириш ва тасдиқлаш учун Ягона миллий меҳнат тизими орқали талабгор ишлайдиган ташкилотга юборилади. Улар текширилиб, тасдиқлангандан сўнг, талабгорнинг шахсий кабинетидида аризаси қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумот пайдо бўлади.

Талабгорларни рўйхатга олиш жараёни тўлиқ якунлангандан сўнг, уларнинг шахсий кабинетидида тест топшириш жойи ва вақти кўрсатилган рухсатнома шаклланади ҳамда бу тўғрида унинг телефон рақамига СМС хабар юборилади.

— **Имтиҳон пулликми ёки бепул ташкил этилади?** Агар пуллик бўлса, тўлов қандай амалга оширилади?

— Тест синовлари бепул ташкил этилади. Лекин тест синовдан ўта олмаган ва синовларда қайта иштирок этадиган талабгорлар рўйхатдан ўтиш вақтида базавий ҳисоблаш миқдорининг **1,5 баравари миқдорида** тўловни амалга ошириши лозим. Бунинг учун та-



лабгорга рўйхатдан ўтиш вақтида 14 хоналик рақамдан иборат инвойс шакллантирилади. Давлат тест марказининг махсус платформаси **Ягона биллинг тизими**га интеграция қилинган бўлиб, тўловни Click, Payme, Урау ва Paynet каби электрон тўлов тизимлари ёки банк кассалари орқали амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, тест синовида қайта иштирок этувчилар Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида давлат тили бўйича малака оширган бўлишлари ва бу тўғрисида сертификат олишлари зарур. Талабгор ҳақиқатан ҳам малака ошириш курсида иштирок этиб, сертификат олганлигини текшириш учун унинг маълумотлари Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказига юборилади. Марказ томонидан талабгорнинг малака оширганлиги тасдиқлангандан сўнг, талабгорнинг шахсий кабинетидида аризаси қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумот пайдо бўлади.

— **Имтиҳонлар қаерда ташкил этилиши ва имтиҳон натижалари қачон эълон қилиниши ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Тест синови республикаимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилади. Бунда талабгор рўйхатдан ўтиш вақтида имтиҳон топшириш ҳудуди сифатида қаерни танлаган бўлса, ўша ҳудуддан тест синовида иштирок этади.

Натижалар тест синови якунлангандан сўнг (ёпиқ тестлар 3 кун, очиқ тестлар 15 кун ичида) эълон қилинади ва энг юқори баллнинг камида 70 фоизини тўплаган шахсларга сертификат берилади. Бунда талабгор сертификатни шахсий кабинети орқали электрон тарзда юклаб олади. Мазкур жараёнларнинг барчаси электрон тарзда амалга оширилади.

— Дейлик, масъул лавозимда фаолият кўрсатиб келаётган шахс сертификат олгач, **2 йилдан кейин раҳбарликка тайинланди.** Сертификатнинг қолган 3 йили билан фаолиятининг давом эттира оладими?

“**Тест синовлари бепул ташкил этилади. Лекин тест синовдан ўта олмаган ва синовларда қайта иштирок этадиган талабгорлар рўйхатдан ўтиш вақтида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида тўловни амалга ошириши лозим. Бунинг учун талабгорга рўйхатдан ўтиш вақтида 14 хоналик рақамдан иборат инвойс шакллантирилади. Давлат тест марказининг махсус платформаси Ягона биллинг тизими**га интеграция қилинган бўлиб, тўловни Click, Payme, Урау ва Paynet каби электрон тўлов тизимлари ёки банк кассалари орқали амалга ошириш мумкин.

— Аввал олган сертификати амал қилиш муддати 5 йил, демак, мазкур давр давомида номзод қайта имтиҳон топшириши талаб этилмайди. Яъни бошқа лавозимга ўтганда ҳам фаолиятини давом эттира олади.

— **Тест топширувчилар ўз натижаларини қандай билади?** Агар талабгор жавоблар натижасидан қониқмаса, қаерга мурожаат қилиши мумкин?

— Тест натижалари Давлат тест марказининг махсус платформасида, яъни dt.dtm.uz сайтида эълон қилинади. Талабгор сайтга кириб, шахсий кабинетидан ўз натижаларини билиши мумкин.

Агар талабгор ўз жавоблари натижасидан қониқмаса, тест натижалари тўлиқ эълон қилинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида апелляция аризасини бериши мумкин. Бунда талабгорнинг аризаси апелляция аризаларини қабул қилиш тўлиқ якунлангандан сўнг унинг иштирокида 3 иш куни ичида қўриб чиқилади.

— Албатта, ушбу катта жараёнга тайёргарлик кўриш, қонуний асосларини яратиш мобайнида мутахассислар фикри ва юқорида таъкидланганидек, хориж тажрибаси чуқур ўрганилган. Савол шуки, мазкур чора-тадбирлардан қандай самара ва натижалар кутиш мумкин?

— Аввало, шунга айтиб ўтишим керакки, бу — жорий қилинаётган янги тизим. Шундай экан, дастлабки босқичда айрим камчилик ва хатолар бўлиши мумкин. Амалиёт давомида бу тизим **такомиллаштириб борилади**. Зеро, Вазирлар Маҳкамасининг қарориди ҳам ушбу жиҳат эътиборга олинган. Яъни ҳужжатда “Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар 2021 йил якунлари бўйича тест жараёнлари натижаларини пухта таҳлил қилган ҳолда, мазкур тизимни янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган тақлифларни киритиш” кўрсатиб ўтилган.

Мақсад эса аён — ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини юксалтиришда юқори натижаларга эришиш. Ўзбек тилини сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларда қўллаш доираси кенгайиб, ундан давлат тили сифатида тўлиқ ва тўғри фойдаланиш таъминланади. Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбар ходимларига давлат тилини талаб даражасида билиш ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш мажбурияти юкланади, барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат тилида иш юритиш салоҳиятига эга бўлган малакали кадрлар фаолият кўрсата бошлайди.

Яна бир мулоҳаза: айрим раҳбарларимиз тест топшириш жараёнига муаммо сифатида қараётгандек, назаримда. Бундай эмас, **масалалар муаммонинг ечими сифатида қараш** лозим. Чунки аслида давлат тилини билмаслик ва давлат тилида тўғри иш юрита олмаслик муаммо, аммо давлат тилини ўрганиш, ўзлаштириш ушбу **муаммонинг ечими** бўла олади.

Муҳтасар айтганда, раҳбарлар, у қайси ташкилот раҳбари бўлишдан қатъий назар, давлат тилига ҳурматни ўзидан бошласа бутун тизим унга эргашади, улғи олади.

“**Янги Ўзбекистон**” муҳбири **Нодир МАҲМУДОВ суҳбатлашди.**



Иккинчи жаҳон урушининг

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

9 май. Бу кун айрим собиқ совет республикаларида қонли урушда қозонилган ғалаба кuni сифатида нишонланмокда. Ўзбекистонда эса бу кун — ўтганларни хотирлаш ва қадрлаш кuni.

Уруш майдонларига кирганларида жуда ёш эди улар. Тинчликда яшаш ҳаққи, ширин орзулари бор эди. Улар нон тишлатиб, кузатиб қолган ота-она, қариндош, сеvimли ёрига “қўришгунча”, деб хайрлашган эди. Аммо бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари айтганидек,

*Ҳазон сипоҳига, эй бoғбон, эмас монеъ,
Бу бoғ томига гар игнадин тикан қилгил.*

Фашизм “ҳазон сипоҳи” бўлиб, уларнинг ҳаёт боғи чечакларини ҳазон қилди. Улар жон берди, лекин Ватанини асраб қолди. Халқлар фашизм чангалига тушмасин, одамлар тинч, мусоффо осмон остида яшасин, дея жанг қилдилар.

Қирғинбарот урушда икки миллионга яқин юртдошимиз қатнашди, уларнинг беш юз минг нафардан кўпроғи ҳалок бўлди. Уруш кулами ва дахшати қамрови шуначалар кенг эдики, ўша пайтдаги ҳонадонларнинг биронтасини бу фoжиа четлаб ўтмаган.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм усти-дан қозонилган ғалаба муносабати билан Ўзбекистонда нихоятда савoбли, тарихий ишлар амалга оширилмокда. Сoбиқ Иттифoқда oдатий бўлиб келган “номаълум солдат”лар номлари тикланмокда. Архивлардан Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ота-боболаримизнинг ҳужжатлари кўтарилди. Улар асосида “Хотира китoби” яратилди. Бу бизларни деб жонидан кечган ота-боболаримизга авлодларнинг меҳр-oқибат достoни бўлиб қолди.



“Хотира китoби” ватанпарварлик, қаҳрамонлик тарихи бўлиб хизмат қилаётди. Чунки у урушда ҳалок бўлган инсонлар номини хотирлаб, қаҳрамонликларини ёдга солиб турибди. Ҳар йили 9 май кuni мангу олов атрофига гул-чамбар қўйиб, порлоқ хотираларни ёдга оламиз.

Шундай хотирлаш ва қадрлаш орқали бугунги ёшларимиз мард, жасоратли инсонлар авлоди эканини англапти. Шунинг баробарида улар ҳарбий ватанпарварлик сабоғини олади.

Кейинги йилларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини, фронт ортида матонат билан меҳнат қилган бoбo-мoмoларимизни хотирлаш ва қадрлаш Президентимизнинг алоҳида эътибори, юксак инсонпарварлиги туфайли янада кенг намоён бўлаётди.

Зеро, мард, жасоратли юртдошларимиз фашистлар қадами Ўзбекистонга етиб келмасин, деб ҳаётини қурбон қилди. Улар нафақат собиқ Иттифoқ ҳудудини, шу билан бирга, Европадаги кўплаб мамлакатларни фашизмдан озод қилишда ҳам қаҳрамонлик кўрсатди. Уларнинг қаҳрамонликлари, дахшати уруш воқeалари тарихини айтиб, ёзиб адо қилиш қийин.

Урушнинг сўнгги кунлари Рейхстаг устига ғалаба байроғини тикканлар қаторида юртдошларимиз ҳам бор эди. Брест қалъаси деворида ҳозир ҳам сақланиб турган “Уляпман, лекин таслим бўлмайман. Аливо, Ватаним!”, деган ёзувда уларнинг ҳам номи, хотираси муҳрланган.

Ўзбекистон ўғлонларининг жасурлиги, мардлиги фронтларда ибрат бўлган. Шулардан бири — Омон Умаров, душманни Смоленск, Киев,

Шу ўринда алоҳида айтиб ўтиш кераки, бу дахшатли урушда ўзбекнинг жасур қизлари ҳам йигитлардан кам эмаслигини намоён этган. Жумладан, уруш бошланганда институтда ўқиётган андижонлик Зебо Ғаниева “Мени фронтга юборишингизни сўрайман”, деб ариза берган. У қисқа ва тезкор тайёргарликдан сўнг разведкачи ва снайпер бўлиб жангга отланди. Унинг номи, жангдаги жасорати, қўрсатган қаҳрамонликлари тарих саҳифаларида юксак шараф билан ёдга олинади...

Волгоград шаҳри атрофида “Шарқнинг 11 қаҳрамони” деган тепалик бор. Урушгача бу жой Перелазовск хутори деб аталган. Кейинчалик унинг номи ўзгаришига ватандошларимизнинг мислсиз қаҳрамонлиги сабаб бўлди. Ушанда 128-гвардия Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси душманга қақшатқич зарбалари билан машҳур бўлган. Взвод командири, юртдошимиз кичик лейтенант М.Кабиrowга Перелазовск хуторини эгаллаб, душманни йўлатмаслик вазифаси топширилади. 40 нафар жангчи тўрт томони очик даладан эмаклаб ўтиб, шафқатсиз жанг ва йўқотишлардан сўнг тепаликни эгаллади. 11 киши тирик қолган ва уларнинг 9 нафари ўзбек йигитлари эди.

Улар душманнинг 300 та солдатига қарши туриб, тепаликни 12 кун кўлда ушлаб туради. Душман чекинади. Катта жангнинг тақдирини ҳал қилган бу ҳаёт-мамат жангида 11 кишидан фақат А. Эрдонов билан М. Кабиrowгина тирик қолди. Перелазовск қишлоғининг “Шарқнинг 11 қаҳрамони” деб аталишининг сабаби шунда.

Иккинчи жаҳон уруши бўлиб ўтган жойларда ўзбекистонлик жангчилар номи билан ата-ладиган жойлар кўп. Улардан яна бири — Шукуровка. Фарғоналик Аҳмадجان Шукуров Курск атрофида душманнинг 110 та солдат ва офицерини қириб ташлаб, 15 тасини асирга туширди. Унга жангда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилди. Шу сабаб жанг кечган Золотарева қишлоғи ҳозир ҳам Шукуровка деб аталади.

Партизан отрядининг разведкачиси Мамадали Топилбoлдиевни белоруссияликлар чуқур ҳурмат билан эслайди. У шахсан ўзи душманнинг кўплаб солдат ва офицерини йўқ қилиб, 180 тасини асирга туширган эди. Ўзбек халқининг баҳодир ўғлони белорус халқининг халоскорлик рамзига айланди. Писарево қишлоғи ахли унинг шарафига шу жойни Топилбoлдиевқа деб атайдиган бўлди.

Сталинград жангида офицер Мамасoли Жабoбoвoв командирлигидаги мото-ўқчи рота душманнинг 400 дан ортиқ солдат ва офицерини йўқ қилиб, икки юздан ортиқ фашистни асирга олди, кўплаб қурол-яроғни қўлга киритди. Снайпер Ҳайит Ҳўжаматов эса душманнинг ўнлаб солдат ва офицерини йўқ қилди.

Ўзбек йигитлари Европа мамлакатларини

ҳам фашизмдан қутқазилда жасорат кўрсатди. Хусусан, Францияни озод қилишда Абдулла Раҳматов, Сарийoв Шомурoдов, Раҳмон Раҳимов, Насиб Амиров каби ўзбек ўғлонлари қатнашди. Жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари учун Ҳoшимжон Исмоилов ва Тoжибoй Зиёев Франциянинг “Жанна д’Арк” ордени билан мукофотланган. Тургун Қўчкоров ва Аҳмад Мамажонов Италиянинг Каррару шаҳрини озод қилиш учун жанг қилди.

Урушнинг сўнгги кунлари Рейхстаг гумбазига ғалаба байроғини тиккан қаҳрамон жангчилар сафида ватандошимиз Қаримжон Исоков ҳам бўлганлиги унинг мардлиги, саботли жангчи эканини эслатиб туради.

САБОҚ

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 76 йил тўлди. Лекин бу урушни бошлаган гоёнинг туғилганига юз йилдан ошди. Шунинг учун ҳар йили 9 май кuni “Иккинчи жаҳон уруши нимадан бошланган эди?”, деган савoл қўпчиликнинг ҳаёлига келиши табиий. Аслида фашизм ёвуз гоё, ёвуз мафқурадaн бошланган.

Инсоният АКТ технологиялар давридан конвергент технологиялар, яъни нано, био, ахборот-коммуникатив ва когнитив технологиялар даврига кириб бoряпти. Бунинг қувончли томони — инсон ҳаёти, турмуши учун чексиз қулайликлар яратишда. Ташвишли томони — бугунги технологиялар ёвуз гоёларнинг амалга оширишга чексиз имкониятлар яратиб бeриши мумкин. Энг муҳими, ана шу технология имкониятларидан нима мақсадда фойдаланишда. Эзгу мақсаднига фаровонлик, тинчликка элтиди.

Бугун “oммавий маданият” гоёлари фаоллашаётгани ҳар биримизни ҳушёр қилиши зарур. Чунки бу гоёлар одамларни азалий миллий, маънавий-ахлоқий фазилатларидан айиришга қаратилган. Шахс эркинлигини абсолютлаштириш, оила, ота-она оёрси, ибo, ҳаё, ҳамдардлик туйғуларини сўндиришга қаратилган гоёлар тарғиб қилинмокда. Одамлар интернет орқали бир киши ёки гуруҳ томонидан бошқарилувчи “oбуначи”ларга айлантирилмокда. Туғилиши камайитириш мақсадида инсоний, табиий яшашини инкор қилиш тарғиб қилинмокда. Буларнинг барчаси инсониятни oғoҳликка, тинчликни асрашга, урушдек ёвуз хатоликларни тақрорламасликка қақиради.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕК БОКСИ: ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ ЙЎЛ



Аваз КАРИМОВ,
туризм ва спорт вазири ўринбосари

Ўзбек боксчилари дунёни забт этди. Халқаро рейтингда бокс бўйича етакчилик қилиб келаётган Россия, Украина ва Куба каби давлатларни ҳам ортда қолдирди. Жаҳондаги минглаб бокс ишқибозлари ўзбек йигитларига мухлислик қилишни бошлади. Боксчи йигитларимиз эришган бу тарихий ютуқлар меҳнат ва қучли иштиёқ билан мамлакат номини улуғлаш мумкин эканининг яна бир исботидир.

Бугун қучли, иродали акаларига ҳавас қилиб ўлғаяётган ёш авлод ҳам юртимиз шаънини ҳимоя қилишга ҳoлланмокда. Албатта, бунинг учун уларга шароит, рағбатли тизим ва имконият керак бўлади.

Президентимизнинг 29 апрель кuni имзoланган “Боксни янада ривожлантириш чoра-тадбирлари тўғрисида”ги қарoри ана шу йўлда муҳим ҳуқуқий асос, дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Қарорда асосий эътибор мамлакатимиз ёшлари қизиқишини инобатга oлиб, иқтидорли боксчиларни аниқлаш ва саралаш тизимини такомиллаштириш, малакали мураббийларни тайёрлаш, уларни рағбатлантириш, шунингдек, ўзбек боксининг дунёда етакчилигини давом эттиришга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда мамлакатимиздаги 227 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Олимпия заҳиралари коллежлари, Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича мактаб-интернатларда 24 мингга яқин йигит-қиз бокс билан шуғулланиб келмокда.

Боксчиларимиз эришаётган ғалабалар ҳам таҳсинга лойиқ. Шу бoис, бу

спорт турига қизиқиш йил сайин ошиб бoрмокда. 2016 йилда Риo-де-Жанейрода бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон боксчилари 3 олтин, 2 кумуш, 2 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. 2019 йили Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам 5 медал билан умумжамоа ҳисобида яна биринчи ўринни қўлга киритди.

Энг асосийси, Ўзбекистон Халқаро бокс ассоциацияси — AIBA рейтингда етакчилик қилиб келмокда.

Қарор билан боксининг асосий йўналишлари белгиланди. Улар боксчи аҳоли ўртасида энг oммавий спорт турларидан бирига айлантириш, инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқаро талаблари мослаштириш, бокс мактабларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қўпайтириш, бокс бўйича профессионал тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, аёллар боксини ривожлантириш юзасидан узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ва

амалга ошириш каби вазифаларни қамраб oлади.

Қарорда белгиланганидек, иқтидорли ёш спортчиларни танлаб олиш ва уларни миллий терма жамоаларга тайёрлаш мақсадида дастлаб, 2022-2023 йилларда Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида бокс бўйича oлий спорт маҳорати мактаблари ташкил қилинади. Бу мактаблар давлат томонидан молиялаштирилади, энг замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланади.

Энг аҳамиятлиси эса бу мактаблар қишлоқ жойлардаги умидли боксчиларни кашф қилиш учун ўзига хос майдон вазифасини ўтайди. Йигит-қизлар 7-синфдан бошлаб 5 йил мобайнида бокс сирларини ўрганади. Албатта, бунинг учун малакали мураббийлар керак бўлади. Лекин сир эмас, аксарият қучли, тажрибали мураббийлар пойтахтга интилади. Қишлоқда ишлашни истамайдми. Чунки шу пайтгача қишлоқларда, ҳатто вилоят марказларида ҳам етарлича шароит бўлмаган. Президентимиз қарориди бу жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмади.

Эндиликда тренерлар, спортчилар ва бошқа ходимларга ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб-интернатлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади. Ўқувчилар учун ҳам шароит яратилади, яъни, улар бeпул таълим oлади, зарур oзиқ-овқат, ётoқхoна билан таъминланади.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бокс бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат бююртмаси параметрлари икки бараварга оширилади.

Шунинг баробарида ўқув машғулотлари жараёнига ахборот коммуникация технологиялари, шу жумладан, виртуал рақиблар билан жанг oлиб бoриш имкониятини берувчи компьютерлаштирилган хоналар ҳам ташкил қилинади.

Яна бир муҳим жиҳат, энди иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралашнинг уч бoсиқли тизими жoрий қилинмокда. Жумладан, биринчи бoсиқда, таълим муассасалари, болалар-ўсмирлар спорт мактабларидан сараланган спортчилар ўртасида ҳудудий мусoбақалар, учинчи бoсиқда, клублараро ҳамда ҳудудий ўқув-машғулoт йигинлари oлиблoри ва совриндорлари ўртасида республика мусoбақалари ўтказилади.

Маълумки, 2023 йилда бокс бўйича Жаҳон чемпионати илк бор мамлакатимизда бўлиб ўтади. Бу, албатта, юртимизда боксга бўлган эътибор ва боксчиларимизнинг шиддатли ғалабалари маҳсулидир. Қарорда ушbu тадбирни юқoри даражада ўтказиш билан боғлиқ вазифалар ҳам ўрин oлган.

Шу билан бирга, боксини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ва унинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарoри боксчиларнинг янги ва қудратли авлодини тарбиялашга, мазкур спорт турининг кенг oммалашувига, пировардида, юртимиз нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.